

# Ҳақиқий Масиҳийлик

Рэй Ч. Стэдмэн

Аҳд – одамлар орасидаги келишувдир. Бутун ҳаёт айнан аҳд орқали амал қилади ва аҳддан келиб чиқади. Икки киши бирга бизнес қилиш истагида бўлса, улар аввалам бор шартнома тузади ёки шерикчиликка келишишади, ўзаро аҳд имзолайдилар. Айнан шу шартнома ёки келишув, уларнинг амал қилиш йўлларини белгилайди. Никоҳ ҳам шунга ўхшаш аҳд. Эрақ ва аёл барча зидликларга биргаликда қарши туриши учун, муаммоларни биргаликда бартараф этиш учун, давлатини бирга баҳам кўриш учун бир-бири билан аҳд тузади.

Ҳаётнинг ўзи ҳам энг асосий аҳддир. Ҳаётимиз, Худо биз билан аллақачон қилиб бўлган келишуви ёки шартномасидир. Ушбу шартнома ёки келишув орқали амалларимиз ёки қилмишларимиз учун Худо бизни барча нарса билан таъминлайди. Аслида, ҳеч биримиз ўзимизни куч-қувват билан таъминламаймиз. Буни Худо қилади. Лекин Худо буни узоқ давомийлик билан амалга оширади. Ушбу узоқ вақт давом этадиган таъминлаш онгимизда “ўз-ўзимизни куч-қудрат билан таъминлаймиз” деган ҳис-туйғуни келиб чиқаради, ушбу таъминлаш табиий ҳолдек туюлади. Қарор чиқариб дарров амал қилишга ўрганиб қолганмиз, лекин бордию Худо буларни амалга ошириш учун куч-қудрат бермаганида, кўлимиздан ҳеч нарса келмаслиги ҳақида сира ўйламаймиз. Агар бу куч ташқаридан келмаганида эди, ҳатто мушакларимизни ишлата олмас эдик, ҳатто кўлимизни кўтара олмас эдик, ҳатто кўзимизни ҳам юма олмаган бўлар эдик. Бутун инсоният ушбу қонун-қоидага риоя қилади, лекин ушбу асосий ҳақиқатни кўришга ожиздир. Шуниси қизиқки, ушбу ҳақиқат чиндан ҳам асосий ҳақиқат бўлишига қарамай уни билиб тан олиш қийиндир, чунки ушбу ҳақиқатга етарлича аҳамият бермаймиз. Ушбу ҳақиқат шу даражада бир қисмимизга айланганки, ҳатто у ҳақда деярли ўйламаймиз.

Худонинг Каломига назар ташласак, ҳаворий Павлуснинг Эски ва Янги Аҳд ҳақида айтган оятни кўрсак бўлади. Ушбу оятни мен иккала аҳддаги ягона ҳақиқатни ўргатганда ёки ҳаётда келишувлар ўрнатишда тез-тез фойдаланиб тураман. Коринфликларга иккинчи мактубининг учинчи бобидаги тўртинчи оятда ҳаворий Павлус қизиқ сўзларни айтади:

**Биз Масиҳ туфайли Худо ҳузурда шундай ишончга сазовормиз.**

Қандай ишонч ҳақида гап кетяпти? Шак-шубҳасиз, бу ерда бўлиб ўтган нарсага ишора қилинган. Бу ерда ҳаворий Павлус жасурликка, инсон сифатида амал қилдирадиган ва ҳатто ҳаворийлик фаолиятини олиб бордирадиган адекватлик ишончга ишора қилинган. Ушбу адекватликни ва ишончни маълум манбадан келишини айтмоқда. Буни батафсил тушунтиришга вақтимни кетказмайман, лекин Павлус қандай ишонч ҳақида гапиратганини сизларга кўрсатиш истагидаман. Шу китобнинг иккинчи бобининг ўн тўртинчи оятида ҳаворий Павлус шундай дейди,

**Худога шукр! У бизни доимо Масиҳнинг тантанали юришида олиб бораётир...(2Кор. 2:14)**

Мана ўша ишонч. Сиз мағлубиятга, омадсизликка ёки кучсизликка эмас, аксинча дойим тантанали юришга олиб бориласиз.

**...ва биз орқали ҳар ерда Ўз ҳақидаги билимнинг хуш бўйларини таркатаётимиз. Биз ҳалос бўладиганларнинг ҳам, ҳалок бўладиганларнинг ҳам орасида Худо шаънига таралаётган Масиҳнинг хуш хидимиз. Бу – ҳалок**

**бўладиганлар учун ҳалокатли ўлим хидидир, халос бўладиганлар учун эса яшатувчи ҳаёт хидидир. (2Кор. 2:14-16(а))**

Сўнг, ҳаворий Павлус қуйидаги саволни беряпти.

**Бундай масъулиятга ким лойиқ? (2Кор. 2:16(б))**

Бундай қобилиятни ва адекватликни қаердан оласиз? Буларни олиш учун қандай олийгоҳни тугатишингиз керак бўлади? Қандай кимёвий восита орқали буларни ишлаб чиқариш мумкин? Журналлардаги рекламага дойим кўзим тушади. У ерда сизга дойим адекватликнинг сири таклиф этилади. Агар ушбу дезодорантга эга бўлсанг барча муаммоларинг бартараф этилади. Ёки, оғиз ювиш воситасини ёки маълум тиш пастасини ишлатсанг бас, ўша заҳотиёқ таъсир этади. Ушбу рекламаларнинг барчаси қалбаки эканини ҳаммамиз биламиз. Уларга ҳеч етарлича аҳамият бермайди, лекин шунга қарамасдан уларнинг таъсирида одамлар реклама қилинган нарсаларни сотиб олишади. Лекин рўзномалардаги ва кўчадаги рекламанинг баъзиларига кўпроқ аҳамият берадиган бўлсангиз, улар ҳаётингиз учун айнан керакли нарсаларни таклиф этаятгани ҳақида ўйлай бошлайсиз. Улар сизга адекватликни таклиф этади, чунки муаммолар ва ҳар-ҳил вазиятлардан инсон дойим катта усталик билан ўтишни истайди. Сизга нафақат кимёвий моддалар, баълки муаммоларнинг ечими учун ўқув курслари ҳам таклиф этилади. Бир жойда шундай ёзилган эди, ”Шахсиятингизнинг барча яширин кучларини биласизми? Аждодларнинг сирлари энди бизга ҳам маълум. Сиз улар ҳақида билмайсизми? Бу курсни ўқиш учун ўн доллар жўнатинг. Уни ўқиб чиқиб, барча яширин кучларга эга бўласиз”. Яна бир бор шуни таъкидлаш жоиз, улар сизга адекватлик сирини таклиф этяпти. Минг ҳил йўл ишлатиб дунё буни сизга таклиф қилмоқда.

Ўн еттинчи оятда, ҳаворий Павлус давом этяпти:

**Мана биз кўпчилик қилаётгандай, Худонинг каломини бозорга солмаймиз. Аксинча, Худо томонидан юборилган ва Масих хизматида бўлган кишилардек, Худонинг кўзи олдида соф кўнгиладан воизлик қилмоқдамиз. Ўзимизни яна тавсия этишни бошлаймизми? Наҳотки баъзиларга керак бўлгандай, сизлар учун ёки сизлардан тавсияномалар керак бўлди? (2Кор. 2:17-3:2)**

Бунга ишониш қийин-ку, лекин Коринфдаги бу одамлар Қуддусдан келган баъзи таълимотчилар томонидан йўлдан оздирилган ва ҳаммага ўхшаб ютуқлар билан мактаниш кераклигини ўргатишган. Ушбу таълимотчилар етмаганидек ҳаворий Павлус улардек ғурурламаганлиги ва ўн икки шогирднинг ичига кирмаганлиги учун ҳақиқий ҳаворий эмаслигини ҳам ўргатган. Ундан ташқари сурбетлик қилиб улар, Павлуснинг Коринфга қайтиб келганида ҳаворий Бутрус, Ёқуб, Юҳанно ва бошқа ўн икки ҳақиқий ҳаворидан тавсиянома олиб келишига коринфликларни ўқтирган.

Аслида эса, ҳаворий Павлус ”Сизлар чиндан ҳам шуни назарда тутяпсизми? Бу ҳақда жиддий ўйлаяпсизми? Сиз ўзингиз тавсиянома эканингиз ҳақида ҳеч ўйлаганмисиз?” деб айтмоқда. Келинг, учинчи бобдаги 2 ва 3 чи оятни кўриб чиқсак,

**Бутун инсонлар томонидан тан олинган ва ўқиладиган, бизнинг қалбимизга ёзилган тавсияномамиз – мана сизларсиз. Очик кўришиб турибдики, бизнинг хизматимиз орқали ёзилган Масихнинг мактуби сизларсиз. Бу сиёҳ билан эмас, балки барҳаёт Худонинг Руҳи билан ёзилган ҳамда тош лавҳаларга эмас, балки инсон қалблари бўлган эт лавҳаларга ёзилган мактубдир**

Улар қандай тавсиянома бўлиши мумкин? Ҳаворий Павлус, ”Сизлар билан нималар бўлганига назар ташланг. Сизларга ҳақиқат Каломини олиб келганимиздан кейин ҳаётингизда бўлиб

ўтган ўзгаришларга назар ташланг. Содир бўлган нарсаларни кўряпсизми?” демокда. Ҳаворий Павлуснинг Коринфликларга йўллаган биринчи мактубида гўзал бир оят бор, ушбу оятда ”Наҳотки билмасангизлар? Ноҳақлик қилувчилар Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайдилар(1Кор. 6:9)” деб ёзилган. Ушбу оят рўйхат қилиб зинокорларни, бутпарастларни, баччабозларни ва бошқаларни мисол сифатида келтирган. Павлус давом этиб, “Сизлар баъзиларингиз шундай эдингизлар. Ва лекин сизлар ювиндингиз, ва лекин муқаддас бўлдингиз, ва лекин Раббимиз Исо Масиҳнинг номи ва Худойимизнинг Руҳи билан оқландингиз (1Кор. 6:11)”, деб айтган. Улар билан ажойиб воқея содир бўлди. Шунинг учун Павлус уларга, “Ҳаётингизга назар ташланг. Агар сизга айтган ҳақиқат Худодан бўлмаганида эди, ҳаётингиз ўзгарармиди? Ҳаётингизнинг ўзи бизнинг тавсияномамиздир.”, деб айтган.

Хозирда эса мен Коринфликларга иккинчи мактубга асосланган дарсимда айтиб ўтилган ҳаёт сифатларини рўйхатлаб чиқдим. Аввалам бор, бу ерда сўнмас оптимизм ҳақида гапирилмоқда. Павлус, “Худога шукр!(2Кор.)”, демокда. Бу сўзлар эса, Павлуснинг қандай ҳаёт кечирганини кўрсатади. У барча нарса учун, яхшими ёмонми дойим Худога шукр қилиб келган.

Кейин эса, сўнмас омад туйғусини кўрсак бўлади: “У бизни доимо Масиҳнинг тантанали юришида олиб бораётир (2Кор 2:14)”. Ҳеч қандай омадсизлик йўқ. Айнан Павлуснинг эмас, аксинча Масиҳнинг режасидаги тантанали юришдир.

Ўн тўртинчи оятдан ўн олтинчи оятгача унутилмас таъсир ҳақида гапирилган. Павлус қаерда бўлмасин у дойим хоналарда хуш бўй хидни таркатаётир, яъни Масиҳнинг хуш ҳидини демокда. Лекин бу хушбўй хидни рад этган баъзилар ҳалок бўлишларини ва шу йўсин, уни қабул қилганлар эса халос бўлишлари ҳақида гапирмоқда.

Ушбу бобнинг ўн еттинчи оятида Павлуснинг бенуқсон ҳақиқатгўйлигини кўрсак бўлади. Бу эса қуйидаги сўзларда мужассамдир, “Худо томонидан юборилган ва Масиҳ хизматида бўлган кишилардек, Худонинг кўзи олдида соф кўнгилдан воизлик қилмоқдамиз.”

Сўнгра, қуйидаги оятда рад этиб бўлмас ҳақиқат ҳақида гап кетади. Учинчи бобдаги биринчидан учинчи оятларда Павлус қуйидаги сўзларни айтяпти, “Бутун инсонлар томонидан тан олинган ва ўқиладиган, бизнинг қалбимизга ёзилган тавсияномамиз – мана сизларсиз. Очик кўришиб турибдики, бизнинг хизматимиз орқали ёзилган Масиҳнинг мактуби сизларсиз. Бу сиёҳ билан эмас, балки барҳаёт Худонинг Руҳи билан ёзилган ҳамда тош лавҳаларга эмас, балки инсон қалблари бўлган эт лавҳаларга ёзилган мактубдир.”

“Бундай масъулиятга ким лойиқ? (2Кор. 2:16)” деган савол билан Павлус айнан шуни назарда тутмоқда. Бундай ажойиб ҳаётнинг сирини қаердан топасиз? Унинг жавоби эса Янги Аҳддандир. Учинчи бобнинг тўртинчидан олтинчи оятларда Павлус қуйидаги оятларни айтади,

**Биз Масиҳ туфайли Худо ҳузурини шундай ишончга сазовормиз. Лекин бунга гўё ўз-ўзимиздан, ўз қобилиятимиз билан муваффақ бўлмаганмиз. Бизнинг қобилиятимиз фақат Худодандир. У бизга Янги Аҳднинг хизматкорлари бўлишдай қобилиятни берди. Бу хизмат эса Қонун харфи асосида эмас, Илоҳий Рух асосида содир бўлмоқда. Харф ўлдирди, Рух эса ҳаёт бағишлайди. (2Кор. 3:4-6)**

Барчамиз Эски Аҳдга асосан дунёга келамиз, Эски Аҳд эса ўз ўрнида Янги Аҳддан фарқланади ва бу фарқни айнан Масиҳий бўлганимизда билишимиз мумкин. Лекин, Масиҳийга айланиш дегани автоматик равишда Янги Аҳдга асосланиб йўл тутиш дегани эмас. Айнан шунинг сабаби билан, хозирда кўпгина Масиҳийларнинг чалкашиб кетганини, имонсизлардан фарқли ўлароқ ҳавотирда эканларини кўзатишингиз мумкин. Улар Масиҳийга айланганларига

қарамасдан, Масихий бўлишнинг қадриятини ўрганишмаган. Раббимиз Исо Масихда мужассам бўлган Янги Аҳд орқали амал қилишни ва ҳаёт кечиришни ўрганмаганлар. Улар ҳалигача кўпроқ Эски Аҳдга таянган ҳолда иш тутишмоқда. Айнан шу сабаб билан уларнинг ҳаётлари чалкаш бўлиб қолган.

Хўш, “Эски Аҳд” деганда мен нимани назарда тутяпман? Павлус Эски Аҳдни Мусо қонунлари билан боғлаган. У бу ҳақда “Тош устига ёзилган ҳарф ўлдиради (2 Кор. 3:6)” демоқда ва ҳоказо. Нима учун Павлус Мусо Қонунини бу билан боғламоқда? Бунинг сабаби эса, Қонунинг бизга берилиши орқали инсонларнинг ҳаёти Одам-атодан васият қилиниб олинганини кўрсатиш эди, бу қонун қойидалар аслида одамни ҳалос этмайди ва гуноҳкор табиатга эга эканимизни намойиш этади ҳолос. Қонун айнан шунини очиқ-ойдин қилади, бошқа ҳеч нарса қилмайди. Қонун биздан барча қонунларга итоат қилишимизни талаб этади, охирада эса, буни уйдасидан чиқа ололмаслигимизга амин бўламиз ҳолос. Бу дунёда ҳеч ким қанча ҳаракат қилмасин ушбу ўнта қонунга итоат қилиб яшай олмаган. Агар бундан шубҳалансангиз, барча кучингизни ва имкониятингизни ишлатган ҳолда Ўнта Амрга асосан йигирма тўрт соат яшаб кўринг. Ушбу йигирма тўрт соатнинг биринчи ўн беш дақиқасидаёқ амрнинг қайсидурини бузишингизга кафолат бераман. Агар ҳеч бирини бузмасангиз ҳам, охиригисини бузасиз. У ҳам бўлса ўзганинг нарсасини ҳавас қилишдир. Бу Қонундир! Бу бизга Одам-атонинг гуноҳкор табиатига эга эканимизни кўрсатиш учун берилгандир. Қонун бошқа нарсага қодир эмас.

Янги Аҳдни эса Павлус қуйидаги сўзлар билан ифодалайди: Биздан бирон нарса келмайди, аксинча, ҳамма нарса Худодан келади:

**Лекин бунга гўё ўз-ўзимиздан, ўз қобилиятимиз билан муваффақ бўлмаганмиз(биздан бирон нарса келмайди). Бизнинг қобилиятимиз фақат Худодандир(ҳамма нарса Худодандир) (2Кор. 3:5)**

Агар буни чиндан ҳам истасак, айнан Худо бизларда ишлаб, шундай ажойиб ҳаётга эга бўлишимизга сабабчи бўлади. Агар бу Янги Аҳд бўладиган бўлса, унда Эски Аҳд ҳақида нима ўйлайсиз? “Ҳамма нарса биздан келади; Худодан бирон нарса келмайди”.

Масихийлик ҳаётингизнинг ҳар бир дақиқасида ушбу Аҳдларнинг бирига мурожаат қиласиз. Лекин бир вақтнинг ўзидаёқ уларнинг иккаласига асослана олмайсиз. Раббимиз Исо Масих шундай деган, “Ҳеч ким икки хўжайинга хизмат қилолмайди. У ё бирини ёмон кўриб, бошқасини севади, ёки бирига ихлос қўйиб, бошқасини хорлайди.(Матто 6:24)” Сиз буларнинг иккаласига содиқ бўла олмайсиз. Уларнинг иккаласига таяна олмайсиз. Яшаш учун қулай вақт айнан ҳозирнинг ўзидир. Чунки сиз айна шу вақтда яшаяпсиз, келажак ҳали келмаган, ўтмиш эса аллақачон ўтиб кетган.

Сиз фақат ҳозирги замонда яшай оласиз ва шунинг учун ҳам ҳозирги онда сиз ёки Эски Аҳдга асосланиб яшашингиз мумкин ёки Янги Аҳдга асосланиб ҳаёт кечиришингиз мумкин, лекин буларнинг иккаласига таяниб асло яшай олмайсиз.

Албатта, сиз “Мен буни тушунмайман. Исо Масихга ишонган имонли қандай қилиб Худога ҳеч нарса боғлиқ эмас деб айта олади? Албатта биз Худога боғлиқмиз” дейсиз. Шуниси қизиқки, бундай айтиш жуда осон. Худо биз билан эканини ҳамма билади, лекин Уни ҳаётимизда амал қилиши ҳақида тушунишни истамаймиз. Муаммо ҳам айнан шунда. Ҳозирги жамоатлар ҳам айнан шу муаммо билан дуч келишмоқда.

Дунё бўйлаб сафар қилар эканман, Худодан ҳаракатни кутадиган Масихийлар сони нақадар оз эканини кўриб ҳайрон бўламан. Жамоатлар эса югур-югур билан овора бўлиб, худди бизнесни юритгандек иш юритишади, ва шу йўсин Худодан ҳеч қандай ҳаракатни кутишмайди. Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Ҳаммаси ташкиллаштирилиши керак. Ҳаммаси одамлар орқали амалга ошади.

Бизнинг Худо тартиблик Худосидир, лекин асло ташкилот Худоси эмас. Ташкилотлар баъзан Муқаддас Рухнинг ўринини эгаллайди. Бир одам қуйидаги тўғри сўзларни айтган эди, агар Муқаддас Рух ушбу мамлакат жамоатларидан бирданига ғойиб бўлиб қолса ундан нима бўлганини ҳеч ким билмай қолади, чунки улар Муқаддас Рухга боғлиқ бўлмай қолади.

Келинг, буни қандай содир бўлиши мумкинлигини тушунтириб берсам. Исо Масих беш минг кишини тўйдирган ҳикояни эсланг. Воқея денгиз бўйида, куннинг ботиш арафасида содир бўлган. Ҳалқ куни билан Масихнинг таълимотини тинглаб оч қолган. Филип Исонинг олдига келиб, “Халойиққа рухсат бергин, кишлоқларга бориб ўзларига овқат сотиб олсинлар (Матто 14:15б)” деган эди. Исо унга жавобан, “Улар кетишлари керак эмас, сизлар уларга овқат беринглар(Матто 14:16)” деди. Бунга Филипнинг жавоби қандай бўлди? “Буларнинг ҳар қайсисига оз-оздан берсак ҳам, икки юз кумушлик нон етмайди-ку!” деб жавоб берди Филип. Филип ўзининг инсонлик манбасига ишониб шундай деди. Филип, Раббимиз Исо Масихнинг қаршисида туриб, қилган кўпгина мўжизаларини кўрганига қарамасдан, Масихга умуман ишонмаган. Унинг ишончи оддий ҳаётнинг манбаларига қаратилган эди. Агарда, Филип атеист бўлганида ва Исо унга, “Сизлар уларга овқат беринглар” деганида ҳам, у худди шундай жавоб қайтарган бўлар эди. Бошқа сўз билан айтадиган бўлсак, ушбу вазиятда, имонли киши билан имонсиз кишининг деярли фарқи йўқ.

Буни биз тез-тез ва осонлик билан қилиб турамыз. Худо бизга бирон бир ишни қилиш кераклигини айтса, биз ўша заҳотиёқ, “Мен семинарда ўқишим керак, тажриба ортиришим керак, маълум бир ўқув курсларини битиришим керак. Мен ўқув курсларини битирганманми? Буни уйдалай оламанми?” деб айтишни бошлаймиз. Бу билан бирон ишларни режалаштириш керак эмас демоқчи эмасман, чунки Худонинг Ўзи бизни баъзи ишларни қилишимизга баъзиларини эса қилмасликка чорлайди. Мақсад эса, бирон ишни қилиш учун қарор чиқарганда кимга ишониб қиласиз? Ўзингизгами ё ичингиздаги Худогами?

Эски Аҳд билан Янги Аҳднинг фарқи ҳам мана шунда. Эски Аҳд бу шахсан менадан келадиган ишлар, уларнинг ҳаммаси менинг ўзимга боғлиқ. Бундай қилмасам ҳеч нарса амалга ошмайди. Бошқа томондан эса, қалбингиздаги бор нарса Худога боғлиқ бўлиши мумкин. У сизни чақирган ва Ўзининг хизматкори бўлишингизни тайинлаган. Бу эса Янги Аҳд. Янги Аҳд, Павлус 2 Коринфликларга мактубининг 2:14-17 оятларида айтиб ўтган ҳаётни ифода этади. Эски Аҳд эса Павлуснинг Галатияликларга мактубдаги “тана ишларини” ифода этади. Эски Аҳд - амалдаги танадир. Бу билан Эски Аҳд аниқ ва осонлик билан кўзга кўринадиган ишларни келиб чиқаради, яъни “фахшбозлик, ҳаром-харишлик, фисқ-фужур, бутпарастлик, жодугарлик, душманлик, жанжалкашлик, рашқғазаб, манманлик, ихтилофчилик, бидъатчилик, ҳасад, қотиллик, ичкиликбозлик, айш-ишрат ва шуларга ўхшаган ишлар (Гал. 5:19-21)”.

Бу эса ўз ўрнида Павлус бошидан кечирган курашишларни ифода этади. Буни Римликларга мактубининг еттинчи бобида кўрсак бўлади. “Мен нимани хоҳласам, уни қилмайман ва нимани ёмон кўрсам, уни қиламан” (Рим. 7:15). Сизда ҳам ҳеч шундай бўлганми? Сиз ҳам иштиёқли ёш масиҳийни ёки ёши катта масиҳийнинг чорасиз ҳаракатлар билан Худо учун бирон иш қилишини ва охиратда афсусланиб мағлубиятга учраб, ҳатто хизматига яқун солиш истагига эга бўлганларни ҳеч кўрганмисиз? Баълки шундай ҳам бўлиши мумкиндир. Бу ерда аслида бир умид бор. Исо, “Рухан камбағал бўлганлар бахтлидир (Матто 5:3)”. Нима учун? “Чунки Осмон Шоҳлиги уларникидир”. Худо сизга бирон нарса бериши мумкин. Агар ўз манбангизнинг таги кўришиб қолган бўлса, унда Худо сизга Ўзиникидан беради. Шунинг учун ҳам, Эски Аҳд “Худодан ҳеч нарса келмайди, ҳаммаси ўзимдан келади” дейди, лекин Янги Аҳд эса, “Ҳаммаси Худодан келади, менадан ҳеч нарса келмайди” деб айтади.

Ҳаётингизнинг қанча қисми Эски Аҳдга асосланганини билиш учун ўзингизга назар ташласангиз кифоя. Ичингиздаги қобилиятларингизга ишониб омадни кутасиз. Улар ҳар ҳил бўлиши мумкин, масалан, насл-насабингиз, маълумотингиз, шахсиятингиз, гўзаллигингиз ва шунга ўхшаган нарсалар. Ҳаётга бундай муносабат сизни дунёвий нарсаларга қаратади ва уларга умид боғлаб, “Бу қўлимдан келади, барча керак бўлган нарсалар менда бор” дейсиз. Ушбу манманликни мохирлик билан яшириш йўллари ўрганиб олганмиз. Биз кўпинча, ”Аслида бу ишни қилиш учун ҳеч қандай таёргарлик дарсини ўтмаганман лекин шунга қарамасдан бир оз тажрибага эгаман. Қўлимдан келганича ҳаракат қиламан” деймиз. Шу йўсин мохирлик билан одамларга, ”Бу ишни қилиш учун менда керакли ҳамма нарса бор” деймиз. Ёки бўлмаса, бизга бирон бир иш билан мурожаат қилинганда талабларга, муаммога ва вазиятга қараб, “Йўқ, бу иш қўлимдан келмайди. Бундай иш қилиш учун менга мурожаат қилманг. Худо одамларга инъомлар берганида мен эшикнинг ташқарисидида қолганман ва шунинг сабаби билан бу иш қўлимдан келмайди”, деймиз. Хўш, бундай деганингизда сиз диққат эътиборингизни кимга қаратасиз? Албатта ўзингизга. Сиз ўзингизнинг кучсизлигингизга ишонасиз-ку, лекин аслида диққат эътиборингиз ўша шахсда, яъни ўзингизда бўлади. Демак, ўз-ўзингизга ҳам ташқи дунёга ҳам диққат эътиборни қаратиш нотўғридир.

Ўз ички дунёсига диққат эътиборини қаратадиган кўпчилигимиз, яъни интровертлар, ташқи дунёга муҳаббат боғлаганларга ҳавас қиламиз, уларга ўхшашни орзу қиламиз. Агар шундай қилсак, унда биз экстремалликка йўлиқамиз, бу ҳам яхши эмас. Бундай қилиш билан ўз ўрнимизни йўқотган бўламиз. Қилишимиз мумкин бўлган иш эса, ўзлигимизга ишонишдан чиқиб кетиб, Худонинг амал қилишига ишонч ҳосил қилишимиздир, чунки Худонинг Ўзи ичимизда бўлиб биз орқали ишлаши ҳақида ваъда берган.

Павлуснинг Филиппиликларга йўллаган мактубининг иккинчи бобининг ўн учинчи оятида гўзал ваъда берилган, “Худонинг Ўзи сизларнинг вужудингизда амал қилади.” (Бу ерда Павлус ”амал қилиш” деганида жаннатга боришни назарда тутмаяпти, аксинча, бу ерда сизни ўраб олган муаммолар ечими ҳақида гапирмоқда). Худони қониқтирадиган иш эса фақат Унинг Ўзи қилган ишлардир. Одамнинг Худо иштирокисиз қилган ишлари Худони ҳеч қачон қониқтирмайди. Худосиз қилинган ишлар дойим йўққа чиқади, кўп холларда бефойда бўлади. Худонинг қониқтирадиган ягона нарса бу мукамалликдир, ва мукамал иш қиладиган ягона шахс ҳам айнан Худонинг ўзидир. Шунинг учун ҳам, Худони қониқтирадиган ягона ҳаёт бу имон билан кечирилган ҳаётдир. Имон билан кечирилган ҳаёт эса, Худо ичингизда иш олиб борган ҳаётдир. Имон айнан шундан иборат. Шунинг учун Ибронийларга мактубда “Ишонмасдан эса Худонинг розилигини топмоқнинг имкони йўқ (Ибр. 11:6)” дейилган. Ва шунинг учун, Худонинг Ўзи бизга Уни қониқтирадиган ягона ҳаёт Унинг Ўзи иш олиб борган ҳаёт демоқда. Бу эса Янги Аҳддир.

Ҳаворий Павлус, масиҳийлик ҳаётида таҳминан ўн йил давомида бу ҳақда билмагани менга катта ёрдам берди. Дамашқ йўлида имонга кирганида Павлус ҳаммамиз қиладиган ҳатони бошидан кечиради. Исо Масиҳ ҳақида озгина маълумотга эга бўлиб, ўз донолигига, ақлига, ўтмишига ва таълимотига ишониб Павлус дунёни имонга келтиришга киришади. У ҳам барча керак нарсага эгаман деб ўйлаган. Филиппиликларга йўлланган мактубнинг учинчи бобида Павлус таъсирчан оятларни айтган, “Диний ғайрат десангиз, Исо умматини таъқиб қилдим. Қонун талаб қилган солихлик десангиз, бегуноҳ эдим. Қолаверса, мен ўз фазилатларимга ҳам ишонишим мумкин. Агар бошқа кимса: мен ўз фазилатларимга ишонаман, деса, ундан ҳам кўпроқ мен ишонаман. Мен саккиз кунлигимда суннат бўлганман. Мен Исроил халқининг Бенямин қабиласидан, иброний наслдан бир яхудийман. Таврот Қонунига мансублик десангиз, фарзий мазҳабида эдим”(Ибр. 3:4-6). Буларнинг ҳаммаси Павлус учун муҳим бўлган.

Шунда ҳам, масихийга айланганида у худди шу нарсаларга ишониб келган. Дамашқдаги фаолиятида ҳам, бирон бир инсон имонга келгани ҳақида айтилмаган. Бунинг ўрнига одамлар унга қарши чиқишни бошлайди. Шунда Павлус саватнинг ичида девор устидан худди жинойтчи каби қочишга мажбур бўлади.

Кейин у Қуддусга келгани ҳақида бизга маълум қилади. Ўша ерда ҳам, у худди шундай иш тугади. У юнон тилида гапирувчи яҳудийлар орасида юриб Исони Масих эканига уларни ишонтиришга уринади. Бу унинг ҳаракатлари эди. Бунинг мақсадига етиш учун, яъни уларни имонга келтириш учун ҳамма нарсага эга эканига у жуда ишонар эди. Лекин шунга қарамасдан, Қуддусда ҳам худди шун тарзда унга қарши чиқишди.

Сўнг, афсусланган ва умидини йўқотган Павлус маъбадга кириб ибодат қилади. Раббимиз Исо Масих унга зоҳир бўлиб, ”Қани, тезроқ Қуддусдан чиқиб кет, чунки бу ерда Мен учун берган гувоҳлигингни қабул этмайдилар!(Хаворийлар 22:18)” деди. Павлус бунга жавоби қандай бўлди? Бу ҳақда йигирма иккинчи бобда ёзилган. Буни бир оз изоҳлаб беришга ҳаракат қиламан, у Исога тахминан шундай жавоб берди,

“Раббим, Сен бу вазиятни яхши тушунмаяпсан. Сен ҳаётингдаги энг яхши фурсатни қўлингдан бой бермоқдасан. Наҳотки, одамларнинг қалбларига таъсир кўрсатиш куролларига эга эканимни кўрмасанг? Мен ҳам улар каби эдим. Уларнинг тилини биламан. Уларнинг кирди-чиқдиларидан хабарим бор. Уларнинг феъл-атворини яхши биламан. Бу яҳудийларга таъсир кўрсата оладиган менман. Мени бу ердан узоқ юртларга жўнатиш ниятинг нотўғридир. Ахир бу энг қулай имкониятку (Хаворийлар 22:19-20)”.

Лекин Исо бунга бир сўз билан жавоб берди, яъни, ”Кета қол!(Хаворийлар 22:21а)” деб унга айтди. Кейин давом этиб, ”Мен билан тортишма. Чунки Мен сени олисдаги элу халқларнинг олдига юбораман (Хаворийлар 22:21б)” деб айтди.

Павлус ернинг энг қаттиқ жойига жўнатилади, у ҳам бўлса унинг юрти бўлмиш Тарс шаҳрига. Бундан кейин у ҳақда ўн йилча ҳеч нарса эшитмаймиз. Барнабо Антиохияга келганида буюк уйғониш амалга ошади. Павлус унга ёрдам бериш учун боради, ахир энди у бошқа инсонга айланган эди. У Эски Аҳддан Янги Аҳдга ўтишни ўрганиб олган эди. Филиппиликларга мактубда Павлус улкан ҳақиқатни ўргангани ҳақида ёзади. “Лекин бир вақт фазилат деб билган нарсаларимни энди Масих учун фойдасиз ҳисоблайман. Чинакам, Раббим Исо Масихни билишнинг афзаллиги олдида мен ҳамма нарсдан бош тортиб, фойдасиз деб билдим, ҳа, Масихга сазовор бўлай, деб ҳатто ахлат ҳисобладим (Филиппиликларга 3:8)”.

Бу эса ҳаёт сиридир. Инсон айнан шундай ҳаёт кечиришга интилади. У бошида айнан шундай ҳаёт кечирган. Одам-ато яратилганида у Худонинг Руҳида яшар эди, у барча ишни Худонинг қудрати билан амалга оширган. Одам-ато дараҳт экадими, боғни ёввойи ўтлардан тозалайдими, жониворларга исм берадими, хуллас нима қилишидан қатъий назар у Худонинг донолиги ва қудратига таяниб қилган. Бу иши жуда тўғри эди. Вазиятга бутунлай мос эди. Худо у орқали иш қилган. Одам-ато, катта хурсандчилик билан тўғри ишлар қилган, уларнинг тўғри ва маъқул эканини ва Худонинг ундан кутган ишларини қилиб, уларни қилишда Худо уни барча керакли нарса билан таъминлаганини билар эди. Мана бу эса Янги Аҳд. Лекин шунга қарамасдан, Худо Одам-атога итоат қилиш-қилмасликни танлаш имкониятини берганида у итоат қилмасликни танлайди ва бутун муносабатдан маҳрум бўлади. Худонинг Руҳи одамдан тортиб олинади. Биз гуноҳкор табиятда дунёга келганимизга ўхшаб, у ҳам бизга ўхшаб қолади. У ҳам бўлса ўз-ўзимизга ишониб омадга эришиш истагидир. Айнан шу нарса бизни барбот қилади.

Ушбу ҳақиқатни тушуниб олиш, одам ҳаётининг ҳаракатларини ва муаммоларининг асосидир. Одамларга бу ҳақда таълим берганда, улардаги муаммо нотўғри манбаларга умид боғлашлари эканини ўргатишимиз керак. Бу кўп куч талаб этадиган дарсдир, уни ўрганиш осон эмас. Катта сабрлик билан бу мавзунини олдинга ташлаб, эҳтиёткорлик билан Худонинг Каломида ушбу ҳақиқат қандай жойлашганини кўрсатишимиз керак. Кейин, танани, яъни улардаги эски ҳаётни таниб билишга ёрдам беришимиз керак. Ҳар ҳил вазиятларни кўз олдингизга келтириб, қаерда Эски Аҳд ва қаерда Янги Аҳд ҳақида гап кетишини кўрсатинг.

Одамларнинг тўғри амал қилишлари учун бундан муҳимроқ асос йўқдир. Эски Аҳд Худо томонидан бугунлай рад этилган. Калом уни ”тана” деб айтади, “тана Худога манзур бўла олмайди (Рим. 8:8)”. Тана ўлимга олиб боради, чунки шу орқали, одам салбий сифатларга дуч келади, яъни, зерикарлик, ҳавотирлик, тушкунлик, адоватлик, жаҳиллик, очкўзлик ва шунга ўхшаш яна кўпгина сифатларни келиб чиқаради. Буларнинг барчаси руҳий ўлим билан баробар. Бундай сифатлар эса одам ўзига ишонгандагина келиб чиқади.

Бу эса, одамлар роботларга айланади дегани эмас. Худди Одам-атога ўхшаб бизда ҳам дойим танлаш ҳуқуқи бор. Танлаш ҳуқуқининг қудрати уни инсонга берилганидир. Амал қилиш дақиқасида ичингизда яна бошқа бир нарса сизга қудрат бағишлаши керак. Уни ёки буни танлаш. Яъни сиз ”тана” деб аталмиш эски бузилган ҳаётни ёки ”Илоҳий Руҳнинг самарасини (Гал. 5:22)” берувчи янги ҳаётни танлашингиз керак. Энг муҳими, янғисини танлашдан олдин эскисидан воз кечишингиз керак.

Кўпчилигимиз Руҳдаги ҳаёт ҳақида оз бўлсада биламиз. Биз айнан шу йўлни танлаб яшашга ҳаракат қиламиз, лекин муаммо эса, кўпинча буларнинг иккаласига таянишга ҳаракат қилишимиздир. Бундай вазиятни ҳамма жойда кузатаман. Одамларга танавий ҳаёт ҳақида гапириб кўрингчи, масалан, жамоат шу йўлни танлаб амал қилишни бошлайди, лекин улар тутаётган программадан воз кечмай туриб, танавий ҳаёт мавзусини номига ўша программага киритиб кўя қолади ҳолос. Ҳеч ким тутган йўлидан воз кечишни ёки ундан қутулишни истамайди, лекин бундай қилиш билан улар ҳеч бир янги нарсани бошлай олмайдилар. Исо айнан шуни назарда тутиб, “Ҳеч ким эски кийимга янги матодан ямоқ солмайди ёки янги шаробни эски мешга қуймайдилар (Матто 9:16,17)” деб айтган. Сиз булардан воз кечиб, ҳаммасини янгитдан бошлашингиз керак. Лекин шунда ҳам, биз эскисига илиниб олишни истаймиз, яъни ичимиздаги танавий нарсаларга боғланиб унга Худони кўшишга ҳаракат қиламиз.

Қиладиган ибодатларингиз нимадан иборат эканига ҳеч аҳамият берасизми? Худонинг олдига келиб Унга, ”Раббим, буни уддасидан чиқа олдим, буни баракалаб марҳаматлашингни сўрайман. Бу ерда нима ҳақида гап кетяпти? Ҳаммаси менга боғлиқ. Буни амалга ошишига ёрдам бергин, шуни сўраяпман ҳолос” дейсизми? Бундай ибодатда албатта, эскиси ҳам янғиси ҳам аралашиб кетгандир, ва шу йўсин, бундай ибодат амалга ошмайди. Бундай ибодат қилмасангиз бўлади. Худо бунга алоқадор эмас. Бундай ибодатни эшитган Худо, ”Агар буни истаганингча қилмоқчи бўлсанг, ўзинг қилавер. Мен кетингдан кузатиб тураман” дейди. Юзимиз билан йиқилганимизча Худо кетимиздан кузатиб тураверади. Лекин танлаган йўлимиз ишласлигидан афсусга ва тушкунликка тушиб, Унинг олдига келиб, ”Раббим, менга ёрдам бер” десангиз, У сизга “Мана Мен, Мен шу ердан. Мен дойим шу ерда эдим, сен орқали кўп ишлар қилишни истаيمان, лекин сен ўзинга таянган барча урунишларингни бас қил” деб жавоб беради.

Бу эса, биз Худо қўлидаги асбоб эмас, аксинча, унинг вакили эканимиз деганидир. Худо бизга танлашга ижозат беради ва биз орқали иш олиб боради. Бу ҳақда аниқ қарорларга эгамиз ва бу



қарорларсиз ҳеч нарса ишламайди. Лекин бир мартаба қарор чиқариб, Худо биз орқали иш қилмоқчи эканини сезганимизда, нимага таянишимиз керак бўлади? Янги Аҳднинг мағзи ҳам айнан шундан иборат.

### **Муҳлисларнинг саволлари ва ҳабарларига жавоблар:**

Зерикиш ҳам, ғазаб ҳам танадан келади. Рухдан эса, севги, хурсандчилик, тинчлик, сабр, тоқат ... ва ҳаяжон ҳам Рухдан келади. Худо ҳаяжонлидир, У берган ҳаёт ҳам ҳаяжонли. Лекин Рухда ҳаёт кечиришингиз дегани, дойим аъло кайфиятда бўласиз дегани эмас. Бу фикрга кўшилишни истамайман. Лекин Рухдаги ҳаёт ҳеч қачон зерикарли бўлмайди. У деярли кўрқинчли бўлиши мумкин. Ҳаёт сизни муаммолар билан кўмиб ташлаши мумкин, улардан қандай қутулишни билмай сарсон бўлишингиз мумкин. Зерикишга ўрин қолмайди. Сиз кўрқиб кетишингиз мумкин, чунки кўрқув масихий ҳаётнинг бир қисмидир. Лекин зерикиш ғазаб эмас. Ғазабнинг ҳам яхши турлари мавжуд, лекин бесабрлик билан қилинган ғазаб нотўғридир. Масалан, кимнингдир танага асосланиб амал қилишини кўрамиз, бу эса ўз ўрнида ғашимизни келтиради ёки бизни ҳафа қилади, бу билан биз ҳам танага асосланиб иш қилган бўламиз. Буни яққол кўриш учун, Каломдаги зино пайтида ушланган аёл ҳақидаги ажойиб парчани эсланг. “– Бу аёл зино қилаётганида ушланди. Мусо пайғамбар Қонунида бундайларни тошбўрон қилишни буюрганлар. Сен нима дейсан? Бу сўроқ билан Исони тузоққа илинтириб айбламоқчи эдилар. Исо эса уларга эътибор бермай, энгашиб бармоғи билан ерга ёзар эди. Улар бу ҳақда сўрайвергач, Исо тик турди-да: – Сизнинг ичингизда ким бегуноҳ бўлса, ўша биринчи бўлиб аёлга тош отсин, – деди. Сўнг яна энгашиб ерга ёзаверди (Юҳанно 8:4-8).

**Савол.** Ҳаётингизда чиндан ҳам Янги Аҳдга асосланиб ҳаёт кечирганмисиз, уни таниганмисиз, ва Янги Аҳдга таяниб кунлар ёки ҳафталар давомида яшай олганмисиз?

**Жавоб.** Янги Аҳдда бир неча кун ёки ҳафта яшаш деб айтмаган бўлар эдим, чунки, бизга қарши курашадиган душманимиз жуда ақлли. Тана жуда алдамчидир. Ўз тажрибамга асосланиб шуни айтишим мумкин, сиз ҳатто бир кун ҳам Рухда яшай олишингизга кўзим етмайди. Агар бир неча соат ҳам яшай олсангиз хурсанд бўлинг. Лекин сиз ҳеч қачон танада кўп вақт яшамаслигингиз керак. Мен шуни назарда тутяпман. Танада яшайганингизни пайқашингиз мумкин. (Мен танада яшаш васвасаси ҳақида гапирмаяпман. Бу бошқа нарса. Биз ғазаб васвасаси, иштиёқ ёки ҳавас васвасаси, хуллас васвасалар қандай бўлмасин улар орасидаги фарқни билишимиз керак. Бундай қилиш гуноҳга кирмайди. Уларга бўлган муносабатларимиз шу фарқни белгилайди). Бордию, уларга илиниб қолсак, иложи борида бу ҳолатда кўп вақт қолмаслигимиз керак. Ғашлик, ҳафачилик, сабрсизлик хуллас нима бўлмасин, уларни дарров танишга жон куйдиринг, бизга кераксиз бўлгани учун улардан воз кечинг, ўша заҳотиёқ Раббимизнинг олдига қочиб кетиб Унинг олдига ётиб олинг. Шунда биз тезда Рухга қайтамыз, ҳар гал васвасага дуч келганда ушбу жараёни амалга ошириш мумкин, чунки кейинги васваса ёки муаммо ўзини кўп куттириб қўймайди.

Ҳўш, масихий ҳаёт дойимий равишдаги ғолибона ҳаёт дегани эмас, лекин бунинг иложиси бор. Имоним комилки, Исо ҳам шундай ҳаёт кечирган, биз эса танани У каби яхши тан олмаймиз ва тушунмаймиз, шунинг учун ҳам биз тана тузоғига кўпроқ тушамиз. Шунинг учун ҳам бизга кечирим инояти берилган, чунки ушбу йиқилишлар Раббимиз олдига қайтиш учун тўсқинлик қилолмайди. Бу иноятни қўлдан бой беролмаймиз, чунки бу бошиданоқ бизга боғлиқ бўлмаган. “Мана мен икки ёки ярим кунни Янги Аҳдда ўтказа олдим, Раббим энди менга қиё бок. Мен яна йиқилдим, шунча вақтим бекорга кетди” деб ўйлашни бошласангиз, бу билан сиз Янги

Ахдни нотўғри тушунган бўласиз. Бу нарса ўзингиздан келмаган. Куч йиғиб, нотўғри ҳаракатларингизни сизга кўрсатган Худога шукур қилиб, ҳаракатни яна давом эттиринг.

Павлус ўз ҳақида гапирганда кўп маротаба кўрқув ва титроқ ҳақида гапирганига аҳамият беринг. Исо ҳам буни бошидан кечирган. Гетсемания Боғига борганида Исо “Менинг жоним ўлим олдидалигини сезиб, жуда қийналмоқда (Матто 26:38),” деган эди. Айнан шунинг сабаби билан У шогирдларига бирга ибодат қилишни сўраган. Кўрқув ва титроқ кучсизлик ва қобилиятсизликни билдиради ҳолос. Инсоннинг ҳаётида бу табиий ҳолдир. Айнан шу йўл билан ҳар бир вазиятга дуч келишимиз керак. Лекин бу билан ҳаракат тўхтамайди. Булар оддийгина кўрқув ва титроқ эмас, чунки айнан кўрқув ва титроқ бизни имонга олиб боради, Худонинг хузурига ва иродасига олиб боради. Лекин кўрқувни сезиш ёки бирон талабдан ҳафа бўлиш тўғри ишдир ва уларнинг биронтасини ҳам шифоламаганимиз керак.

**Савол.** Раббимиз ёки Унинг расуллари Янги Ахдга карагандек караш осон, лекин Мусо пайғамбар ва Эски Ахд ҳақида нима деб ўйлайсиз?

**Жавоб.** Мусо пайғамбар Эски Ахднинг тимсоли бўлишига қарамасдан у Янги Ахдда яшаган. Эски Ахд пайғамбарлари Янги Ахдни яхши тушунган ва Янги Ахд тарихдан ҳали жой олмаган бўлганига қарамасдан улар Янги Ахдга ишонишган. Янги Ахд Исо Масихнинг хочда тўкилган қонига асосланади, “кўпларнинг гуноҳлари кечирилиши учун тўкиладиган, Янги Ахдни тасдиқлайдиган қондир(Матто 26:28)”. Эски Ахд пайғамбарлари худди бизларга ўхшаб Масихнинг ўлими орқали нажот топишган, демак, улар ҳам биз каби ҳаёт кечиринган. Мусо пайғамбар Худога ишониб Фиравнга гапириш учун Худо уни қувватлаган. Худонинг ваъдасига, яъни гапириши учун керакли гапларни оғзига солишига Мусо ишонган, хуллас Мусо пайғамбар Янги Ахдда ҳаёт кечирган. Лекин, шуларга қарамасдан Мусо ҳам биз каби йиқилишларга дуч келган. Тошга гапиришни ўрнига у уни уради, шу билан Худога итоатсизлик қилган. Бунинг натижасида, ваъда қилинган юртга унга кириш руҳсати берилмаган эди. Лекин Худонинг ўзи унинг ичида иш олиб боргани тўғриси, раҳбарлиги чеклантирилган бўлишига қарамай Мусонинг муносабатларни яна тикланган. Мусо пайғамбар Худо билан муносабатларини тиклаб олдинга қараб юрганидек, биз ҳам худди шундай таъсир этувчи ва унумдор хизматчига айланишимиз мумкин.

Мусо пайғамбар Эски Ахд тимсолидир, чунки у Қонун тимсолидир, Қонун эса ўз ўрнида тана билан дойим боғлиқ. Агар тана муаммоси бўлмаганида эди, ҳеч қандай Қонун ҳам бўлмаган бўлар эди. Одам-ато ва Момо-ҳавога ҳеч қандай Қонун берилмаган эди. Қонун уларга керак бўлмаган. Уларда ишлаган Худога ишонгани учун, Қонун уларнинг қалбларига ёзилган эди. Ҳар бир вазиятда тўғри иш тутишни улар билишган, агар биз ҳам Рухда яшасак худди шундай ҳаётга эга бўлишимиз мумкин. Шунинг учун, Павлус имонга келган заҳотимиздаёқ Қонун тугайди деб дойим тортишиб келган. Лекин ишонишни бас қилган дақиқамиздаёқ, Қонун яна қайтиб келади.

Ҳаёт стандартига айланган Қонун ҳеч қачон ўзгармайди. Қонун ҳеч нарсага арзимади, лекин у Худонинг феълени ифода этади, Худонинг феъл атори эса ҳеч қачон ўзгармайди. Агар Худога ўхшаган бўлганимизда, дунё, жаннат ёки ер қанча умр кўришидан қатъий назар, талаб бизнинг кўлимизда бўлар эди. Исо, “Еру осмон битар, лекин Менинг сўзларим битмас (Марк 13:31. Матто 24:35. Луко 21:33)”, деб айтган. Чунки бу сўзлар Худонинг феълени ифода этади. Бошқа сўз билан айтганда, Қонун ҳеч қачон тугамайди. Лекин Масихга ишонишингиз билан Қонун сиз учун тугайди. Бундан сўнг Қонун сиздан ҳеч нарса талаб қила олмайди. Лекин Исога ишониш деганда мен шунчаки Унга ишонишни назарда тутмаяпман, аксинча, ҳақиқий масиҳийдек Унга умид боғлашни назарда тутаяпман. Исонинг ичингизда иш олиб боришини

кутсангиз, ичингиздаги ҳаёт билан таъминлашига умид боғласангиз ва бунга тўлик ишонганингиздагина Қонунга муҳтож бўлмайсиз.

Бошқа сўз билан айтганда, Қонун имон билан тугайди. Шунинг учун Римликларга мактубда Павлус, “Масих эса – Қонуннинг охиридир. Масихга эътиқод қилган ҳар бир гуноҳкорни Худо оқлайди (Рим. 10:4)”, деб айтган. Лекин бу иборани “Масих Қонуннинг сўнги” деб тушунманг. Чунки бу Исонинг тоғдаги ваъз пайтида айтган қуйидаги сўзларига зид бўлади, “Сизга чинини айттайин: еру осмон тугамагунча ва тақдир этилган ҳамма нарса амалга ошмагунча, Тавротдан на бир ҳарф, на бир нуқта ўчади(Матто 5:18)”. Масих, унга ишонган ҳар бир имонли учун Қонуннинг сўнгидир. Имонга таяниб амал қилган дақиқада сиз қонун орқали иш тутмайсиз, чунки ишга ва амалга таяниш билан имон бир бирига қарама қаршидир. Агар Қонунга кулок солишга ҳаракат қилсангиз, қонун ишлайди. Лекин ичингиздаги Худога жавоб берганингизда, ўша асосда амал қилганингизда бу имон бўлади. Шунда сиз Қонунни бошқа йўл билан ижро этасиз.

Рэй Стэдменнинг қуйидаги алоҳидаги дарси кейинчалик унинг чоп этилган китобида кенгрок ёйилган. Рэйнинг “Ҳақиқий Масихийлик” деб номланган ушбу машҳур китобига эга бўлишни истасангиз <http://www.raystedman.org/authenxnty/> сайтига ташриф буюринг.

Маҳсус Ҳикоя

Номи: Ҳақиқий Масихийлик

Муаллиф: Рэй Ч. Стэдмэн

Серия: Алоҳидаги Ҳикоялар – Таълимот Ҳикоялари

Оятлар: 2 Коринфликларга 2:14 – 3:5

Излаш учун варақ №: AUTHEN

Copyright © 2009 Elaine Stedman. Ушбу файл Ray Stedman Ministries шахсий мулкидир. Файлни фақат тўлиқлигича бепул кўпайтириш рухсат этилган. Ушбу файлни барча нусхалари, таржималари, онлайн шакллари қуйидаги оғохлантиришни ўз ичига олиши керак. Ушбу файлни қисман кўпайтириш, уни таҳрир қилиш ёки ўзгартиришлар киритилиши, бирон бир тижорат нашрларга кўшиш, видео ёки аудио шаклига киритиш, трансляция қилиш фақат Ray Stedman Ministries томонидан ёзма рухсат орқали амалга оширилиши шарт. Бу ҳикоялар <http://www.RayStedman.org> сайтидаги Official Ray C. Stedman кутубхонасидан олинган. Ёзма шаклдаги сўровлар қуйидаги манзилга йўналтирилиши шарт: [webmaster@RayStedman.org](mailto:webmaster@RayStedman.org) Ушбу копирайт талаби бошқа копирайт талабларидан устундир.